

МУАММО БОР, ЭГА АНИҚ, ЕЧИМ-ЧИ?

Комиссия жараёни чуқур таҳлил қилди



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Республика комиссияси аъзолари – вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул хо-

димлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, шунингдек, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар ҳокимларининг иқтисодий ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, секторлар раҳбарлари, туман ҳокимлари, тегишли ҳудудий бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари, Ўзбекистон касаба уюшмаларидан ҳудудларга бириктирилган масъул раҳбарлар, Федерациянинг ҳудудий кенгаши раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбари Қудратилла Рафиқов олиб борди.

Дастлаб «Аёллар дафтари» тизимининг 3-босқичи доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, долзарб вазибалар белгилаб олинди.

– Президентимиз ташаббуси билан амалиётга жорий этилган «Аёллар дафтари» тизими бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган ноёб тизим бўлиб, бу орқали юртимиз хотин-қизларининг кўплаб муаммолари ҳал этилишига эришилмоқда, – дея таъкидлади ўз сўзида Қудратилла Рафиқов. – Ушбу тизим ишга туширилганига кўп вақт бўлмаган бўлса-да, опа-сингилларимиз, онахонларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига замин яратилмоқда. Энг муҳими, ишлар такомиллаштирилиб, сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Таъкидлаш зарурки, бугунги кунда «Аёллар дафтари» бўйича ишларнинг 3-босқичи қизгин давом этмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларидаги 9 минг 349 та маҳалланинг ҳар бирида хонадонма-хонадон юриб, 30 ва ундан катта ёшдаги 7 миллионга яқин хотин-қизнинг муаммолари ўрганилиши натижасида Вазирлар Маҳкамасининг 145-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида жорий йилнинг апрель ойида «Аёллар дафтари» тизимининг 3-босқичи рўйхатида 6 та тоифа бўйича 644 минг 849 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз кiritилган эди. Ҳудудларда олиб борилаётган ишлар сарҳисобига кўра, жорий йилнинг 1 август ҳолатига «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг 524 минг 880 нафарига, яъни 81,4 фоизига амалий ёрдам берилишига эришилган.

> 2



Хушхабар

Ўзбекистон ёшлари 44-Жаҳон шахмат олимпиадасида ПЕШҚАДАМ

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида 44-Жаҳон шахмат олимпиадасининг 10-тур учрашувлари бўлиб ўтди.



Ўзбекистон эркеклар терма жамоаси 10-тур доирасида Ҳиндистон-2 жамоасига қарши баҳс олиб борди. Муҳим ўйинда ҳамюртларимиз Ҳиндистонлик рақиблари билан дуранг қайд этишди.

Қайд этиш лозимки, қора донларда ўйнаган Нодирбек Абдусатторов сўнги лаҳзаларда ғалабага эришди ва Ўзбекистонни мағлубиятдан асраб қолди. Жавоҳир Синдиров эса имкониятни бой бериб қўйди. Нодирбек Ёқуббоев ва Жаҳонгир Воҳидов дуранг қайд этди.

Ушбу натижадан кейин Ўзбекистон эркеклар терма жамоасининг очколари 17 тага етди.

Шу тариқа Ўзбекистон эркеклар терма жамоаси 44-Жаҳон шахмат олимпиадасида пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистонлик қизлар эса Парагвай терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Терма жамоамиз сафида Мафтуна Бобомуродова ва Афруза Ҳамдамова ғалаба қозонган бўлса, Нилуфар Ёқуббоева ва Умида Омонова дурангга эришди.

Маълумот учун: бугун сўнги тур ўйинлари ўтказилди. Ўзбекистон эркеклар терма жамоаси Нидерландия, аёллар терма жамоаси эса Коста-Рика шахматчиларига қарши донга суради.

Долзарб мавзу

ЎЗИМИЗ ЎТИРГАН ШОХГА УРИЛАЁТГАН БОЛТА

ёхуд дарахтлар дардига ким дармон бўлади?

Ўтган ҳафтада Тошкент шаҳридаги Чилонзор кўчасида йўлни кенгайтириш мақсадида камида 7 та дарахтга шикаст етказилган. Умумий 99 та дарахтга шикасланиш хавфи аниқланган. Бунинг учун қурувчи ташкилотга 261 миллион сўм жарима белгиланди. Лекин азим дарахтларга етказилган зиённи тиклаб бўладими? Табиий савол туғилади, наҳотки, ўлкамизда ёз ҳавосининг ўта исиб кетиши, қум, чанг бўронлари сиз-у бизга сабоқ бўлмаётган бўлса?



– Йўлни кенгайтириш билан тирбандлик муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Жамоат транспортга устунлик бериш керак. Дунё тажрибасига қаранглар. «Ақли светфор»лар ўрнатиб, йўл ҳаракатини онлайн бошқариб, кўчаларнинг ўтказув-

чанлигини ошириш зарур, – деганди давлатимиз раҳбари бундан бир неча ой аввал. Аслида, Тошкентда жамоат транспортдан фойдаланиш даражаси бор-йўғи – 21 фоизни ташкил этади, тизимда қарийб 400 та автобус етишмайди. Йўллар пиёда ва велосипедда юриш учун ноқулай, бунинг оқибатида йўл транспорт ҳо-дисалари кўп содир бўлмоқда.

Лекин, минг таасуфки, шаҳри азим Тошкентда муаммога «креатив» ёндошилиб, дарахтларнинг илдизини қовлаб, қуритишдан иш бошланди. Ҳар куни эрталабдан кўча тўла, енгил машиналар тирбандлигига гувоҳ бўламиз. Аммо ўзимизнинг соғлиғимиз, қолаверса, шаҳримиз об-ҳавосининг софлиги учун фойдали бўлган велосипедчилар ҳаракатини кўрмаймиз. Шунингдек, кўп йиллик дарахтлар ҳаётига «суиқасд» қилаётган йўл қурувчилари ҳам сиз-у биз билан бир ҳаво-

дан нафас олаётган ўзимизнинг одамлар. Улар наҳотки, ўз оёғига болта уришаётганини тушунишмаса? Бундан чиқди, экологияга оид билимларимиз ҳам ҳаммақадар. Ёки бу соҳада тарғиботлар кўпчиликка етиб бормаяпти? Ушбу соҳага масъул бўлган Экологик партия фаоллари нега бонг уришмаяпти?

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Дарахтлар ҳавони тозалаш билан бирга ҳарорат кўтарилиб кетишининг ҳам олдини олади. Ҳар биримиз 24 соат мобайнида 5-6 литр ҳавони нафас билан ютиб, чиқарамиз. Мутахассислар тадқиқотларига кўра, бир кунда бир кишининг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак бўлади.

БЕПАРВОЛИК ЖАЗОСИ

Газета саҳифаланиш жараёнида қуйидаги хабар тарқалди:

8 август кун Президент администрацияси раҳбари Сардор Умрзоқов бошчилигида ўтказилган селектор йиғилишида кун кеча Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида рўй берган дарахтларнинг ноқонуний нобуд қилиниши, аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлган масала ҳам қаттиқ танқид остига олинди. Президент топшириғига асосан Чилонзор тумани ҳокими Ш.Мавлонов ҳамда прокурори И.Бозоров лавозимидан озод этилди. Шунингдек, масъулиятсизликка йўл қўйгани учун пойтахт ҳокими Ж.Ортиқхўжаева ва прокурори У.Қосимовга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Бу хабар жамоатчиликнинг фикри нақадар муҳимлигини, шу билан бирга, давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Демак, дарахтларни асрашни барчамиз биргаликда давом эттиравемиз. Зеро, улар нафақат бугунимиз, балки келажакимиз учун ҳам керак.



1,5 МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

«Қувасойцемент» АЖ ишчи-ҳодимларининг ойликларидан негандир узлишлар, чўзилишлар бўлаверди. Яна денг, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар пешма-пеш сотилаётган бир пайтда... Устига-устак жамоа шартномасида белгиланган тўловлардан ҳам ҳадеганда дарак бўлмади.

«Қувасойцемент» АЖ ишчи-ҳодимлари 2021 йил учун иш ҳақи ва жамоа шартномасида белгиланган тўловлар ўз вақтида тўланмай келинаётгани борасида ҳуқуқий кўмак сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилишди.

Мурожаат кенгашининг меҳнат-ҳуқуқ инспектори томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Урганишлар давомида ҳақиқат юзага чиқди. Дастлаб мазкур ҳолат бўйича иш берувчи билан мулоқотлар ўтказилиб, тушунириш бўлмади. Лекин сазй-ҳаракатлар наф берма-

гач, иш судга оширилди. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан «Қувасойцемент» АЖнинг 1170 нафар ишчи-ҳодимига жами 1 миллиард 623 миллион сўмдан кўпроқ меҳнат ҳақи шаклидаги тўловлар тўлиқ ундириб берилди. Адолат қарор топди.

Авазжон ТЎРАХЎЖАЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юристконсулти, Мансуржон УСМОНОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, «ЯШИЛ МАКОН» ДОИРАСИДА:

экилмаган 6,2 миллионга кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилган, 3,4 миллионга кўчат суғориш тизими бўлмаган жойларга экилган, 2,4 миллионга кўчат сувсизлик ва етарли парвариш бўлмагани оқибатида баҳор тугамасидан қуриб, нобуд бўлган.

МУАММО БОР, ЭГА АНИҚ, ЕЧИМ-ЧИ?

Комиссия жараёни чуқур таҳлил қилди

«1 Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз бўлган 185 589 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 23 842 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган 40 819 нафар (78,5 фоиз), ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож 121 966 нафар, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 63 046 нафар хотин-қизга 322 миллиард 922 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Оғир ижтимоий аҳволда эканини инобатга олиб, секторлар раҳбарлари тавсияномаларига асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз 3 263 нафар ҳамда уй-жойга муҳтож 263 нафар хотин-қизга ҳам 2 миллиард 160 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, боқувчисини йўқотган 2 463 нафар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож 1 462 нафар – жами 3 925 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирланди. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 3 452 нафар хотин-қизга томорқасидан самарали фойдаланишга кўмаклашилди. Уй-жойга муҳтож 4 754 нафар хотин-қизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, тоифасидан қатъи назар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга кўшимча бир қатор амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 109 902 нафар хотин-қиз ва уларнинг 25 065 нафар вояга етмаган фарзанди тиббий кўриқдан ўтказилди ва натижалари асосида даволаш ишлари ташкил этилди. 118 388 нафар хотин-қизга ҳуқуқий кўмак кўрсатиш ишлари амалга оширилди. 107 310 нафар хотин-қизга малакали психологик маслаҳатлар берилди. 13 265 нафар хотин-қизга деҳқончилик билан шуғулланиш учун 4 833 гектар ер майдони ажратилди. 2082 нафар хотин-қизга ажратилган ер майдонларини суғориш тизими ва электр энергияси билан таъминлаш, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, тадбиркорлигини рўйхатдан ўтказиш харажати қоплаш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш ва ҳоказо йўналишларда 3 миллиард 967 миллион сўм субсидиялар берилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган 24 нафар хотин-қиз ва «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг 26 нафар фарзандига таълим шартномаси тўловининг бир қис-

мини қоплаб бериш учун 119 миллион сўм тўлаб берилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Республика комиссиясининг жорий йил 29 июнь кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида «Аёллар дафтари»га 6 та тоифа бўйича киритилган хотин-қизларнинг ҳар бирига амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлилий-танқидий кўриб чиқилган эди.

Ўтган қисқа вақт ичида камчиликларни кўрсатиб ўтилган туман ва шаҳарлар секторлари раҳбарлари ҳамда масъуллари ўз ишига бўлган ёндашувни ўзгартириб, «Аёллар дафтари» ижроси бўйича сезиларли даражадаги ижобий натижаларга эришдилар. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Тахياتош, Чимбой, Шуманай, Амударё, Беруний, Бўзатов, Қўнғирот, Мўйноқ, Тактаўпир ва Эллиққалъа туманлари, Андижон вилоятининг Балиқчи ва Булоқбоши туманлари, Бухоро вилоятининг Олот тумани, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳри ва Пахтакор, Фориш, Мирзачўл туманлари, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри ва Нишон, Косон, Қарши туманлари, Навоий вилоятининг Ҳазрат Навоий шаҳри, Наманган вилоятининг Наманган шаҳри ва Учкўрғон, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Янгиқўрғон, Янги Наманган туманларида эҳтиёжманд хотин-қизларга ёрдам бериш ишлари сезиларли даражада жадаллашди. Шунингдек, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг қатор туманларида эҳтиёжманд хотин-қизларга манзилли амалий ёрдамлар кўрсатиш ишлари салмоғи оширилиши натижасида одамлар кайфияти ижобий томонга ўзгарди.

Йиғилишида «Аёллар дафтари» йўналишида олиб борилаётган ишларда камчиликларга йўл қўйган айрим мутасаддилар фаолияти таҳлилий-танқидий муҳокама этилди ҳамда истиқболдаги чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, худудларга бириктирилган мутасаддилар томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар индивидуал дастурларининг тўғри тўлдирилгани ҳамда кўрсатилган ёрдамларнинг ҳақонийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилаётгани, шу мақсадда ўтган 1 ой давомида «дафтар»га киритилган 201 минг 323 нафар хотин-қиз билан суҳбатлашилгани таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг йиғилиш кун тартибидagi иккинчи масала – Кооперация усулидаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва оммалаштириш бораси-

даги ишлар кўриб чиқилди.

Унда таъкидланганидек, Президентимиз топшириғига асосан йил бошидан бери кооперация усулидаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Даставвал, жойларга чиқилиб, вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда 899 та кооперация бўйича лойиҳалар аниқланди ва ташаббускор тадбиркорлар рўйхати шакллантирилди.


Ўтган вақт давомида ушбу лойиҳаларни чуқур қайта ўрганиб, истиқболли бўлганларини ишга тушириш бўйича манзилли ёрдам бериш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, янги ташаббускорлар аниқланиб, лойиҳалар сони 1000 тага етказилди. Маълумотларга кўра, бугунги кунгача 853 та (85 фоиз) лойиҳа ишга туширилиб, 76 минг 575 нафар аҳоли, шундан, 55 минг 451 нафар хотин-қиз кооперация асосида иш билан таъминланди.

Йиғилишида барча масъуллар олдига кооперация бўйича лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ишларни янада жадаллаштириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари ҳамда Республикадан бириктирилган вакилларга кооперация бўйича янги лойиҳаларни ишга тушириш бўйича «Йўл хариталарини» тасдиқлаб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ҳамда тўлиқ қувват билан фаолият бошламаган лойиҳалар бўйича тадбиркорларга кўшимча амалий ёрдам бериб, уларнинг фаолиятини ривожлантириш юзасидан тегишли чораларни кўриб бориш вазифалари қўйилди.

Шу билан бирга, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кооперацияларни ташкил этиш орқали аҳоли, жумладан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишларини самарали амалга ошириш учун барча тегишли мутасаддилардан оқсак масъулият ва ташаббус талаб қилиниши юзасида таъкидлаб ўтилди.

Мухтасар айтганда, таҳлилий муҳокамалар тарзида ўтказилган йиғилиш давлатимиз раҳбари ташаббуси билан инсон қадр ва унинг манфаатларини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган ноёб янги тизимларнинг амалдаги ижросини таъминлаш ҳамда бу борадаги ишларни янада кучайтириш бўйича мутасаддилар масъулиятини янада оширди.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари



Саломатлик учун 5 000 қадам

Самарқанд вилояти касабга уюшмалари томонидан «Зиёрат, саёҳат ва саломатлик» шиори остида 5 минг қадам юриш марфони ањнага айланди.

– Ҳафтада бир маротаба пиёда юриш тадбирини режалаштириб олганмиз, – дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси кенгаши Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармасининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Туробов. – Сафимизга бошлангич касабга уюшма ташкилотлари, иш берувчи ва турли ташкилот вакиллари ҳам келиб қўшилипти.

Марфон йўналишининг ранг-баранглиги, аини вақтда қадим Самарқанд ва унинг атрофидаги қадамжолар билан танишиш имконини бермоқда.

– Бу мароқли тадбир ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ, – дейди тадбир иштирокчиларидан бири Зоҳид Турсунов. – Аввали сафар «Кониғил» сайёҳлик қишлоғигача пиёда юриб бордик. Қадимий қоғоз тайёрлаш устaxonаси, хунарманд-масъул ташкилотчиси Бахтиёр Туробов. – Сафимизга бошлангич касабга уюшма ташкилотлари, иш берувчи ва турли ташкилот вакиллари ҳам келиб қўшилипти.

Касабга уюшмаларининг бу ташаббуси тобора кенг қулоқ ёзмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

Бунёдкорлик

Спортсевар ёшларга тўхфа

Фарғона шаҳрининг Беруний номидаги маҳалласида жойлашган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиалининг спорт зали таъмирга муҳтожлиги боис, машғулотлар ўтказишда қийинчиликлар юзага келаётган эди.

Мазкур иншоот Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 200 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига қайта реконструкция қилиниб, спортсевар ёшлар учун фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишларидан сўнг, замонавий қиёфа касб этган спорт мажмуаси ёшларнинг семимли масканига айланди. Мажмуада спортнинг тазквандо, каратэ, кураш, гимнастика турлари билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

– Спорт иншоотининг фойдаланишга топширилиши биз, ёшлар учун катта совға бўлди, – дейди маҳалла ёшлар етакчиси Фаррух Турдалиев.

Ушбу спорт мажмуасининг очилиш маросимида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, касабга уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар муҳташам иншоот спортчи ёшларнинг семимли масканига айланиши, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтаришга қодир истеъдод эгалари етишиб чиқишига тилак билдирдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Сирдарё вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

Энди улар бахтиёрлар сафида



«Аёллар дафтари» сабаб Сирдарё туманида ҳам бир гуруҳ аёлларнинг орзулари ушалди.

«Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шахло Нишонваннинг турмуш ўртоғи вафот этганига 5 йил бўлди. Вояга етаётган 3 нафар фарзандининг эҳтиёжларига маблағ тополмай қийналаётганини маҳалладошлари яхши биларди. Ана шунда «Аёллар дафтари»га исми қайд этилди ва зарурий ёрдам берилди. Оиланинг моддий таъминоти яхшиланиши учун унга тадбиркорлик бошлаш таклифи берилди. Шундай қилиб, маҳаллада янги «Ҳаётхон» номидаги «уй боғчаси» фаолият бошлади. Ажратилган имтиёзли

14 миллион сўмга болалар ётоғи ва машғулот хонасига жиҳозлар харид қилинди. 25 ўринли муассасада 3 нафар ходим доимий ишла бўлди.

– Яқингача ўзим ишсиз эдим, ҳозир раҳбарман. Умуман, ишонгим келмайди, – дейди Шахлохон. – Илгари боғчада тарбиячи бўлиб ишлаганман. Шу боис, соҳани тушунаман. Билмаганимни сўраб ўрганганман. Энг муҳими, болажонларни яхши кўраман. Ташкилотимни қизимнинг исми билан номладим.

Нурсулв Одилова «Қуёш» маҳалласида яшайди. Ўзи ва оиласидаги



лар мавсумий ишлаб келаётган эди. Пойтахтда таълим олаётган ўғлининг харажатлари сабаб моддий қийинчилик ортиб борди. Оила имкониятлари ўрганилиб, иссиқхона ташкил этиш таклифи берилди. Ажратилган 33 миллион сўм кредит эвазига хонадоннинг 5 сотих майдонида иссиқхона қурилди. Аини пайтда иккинчи бор қадалган помидор кўчатлари парваришланмоқда.

– Оилавий меҳнат қиляпмиз, – дейди Нурсулв опа. – Биринчи ҳосилимиз яхши бўлди. Тадбиркорларнинг ўзи келиб уйимиздан олиб кетишди. Даромадимиз рўзгоримизга ҳам, фарзандимнинг ўқиш пулига ҳам, кредитни ўз вақтида

узишга ҳам етаркан. Майдонга иккинчи бор кўчат қададик. Доимий даромадга эга бўлганимиздан жуда хурсандман.

«Ишонч» маҳалласида яшовчи Шахноза Сидиқова 3 нафар фарзанднинг онаси. Ўртанчаси Шахзоданинг кўзларида туғма ногиронлик бор. Қизалоқнинг кўзларида гавҳар силжиши ташхиси қўйилган. 14 ёшгача 4 марта жарроҳлик амалиёти ўтказилиши керак.

«Аёллар дафтари»га киритилгач, масъуллар кўмаги билан даволаш йўлланмаси берилди. Шахзоданинг кўзлари икки ой вақт оралиғида навбат билан ўтказилган амалиёт натижасида шифо топди. Шахзода махсус кўзойнақда ҳаётни кўра бошлади.

– Бугун мендан бахтли одам йўқ, – дейди Ш.Сидиқова. – Қизим «ажжон, ҳаёт бор экан-ку, кўзларим чарақлаб очилди», деган кундан буён йиғини унутдим. Фақат жилмайиб, ҳаётни қайтадан сева бошладим. Бунинг сабабчиларини доим дуо қиламан. Давлатимиз фамхўрлигини оиламиз билан ҳис қилдик.

Озода

МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»



Навоий вилояти

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ



Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши томонидан мамлакатимиз бўйлаб сайёр қабуллар бошланганига анча бўлди. Яқинда мазкур тизим вакиллари Навоий вилоятига ҳам ташриф буюрдилар. Бундан кўзланган мақсад, албатта, тармоқ тизимидаги иш берувчилар ва бошлангич касабга уюшма кўмиталари раислари иштирокида очик мулоқот ўтказиш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳамкорликда бартараф этишдан иборат эди. Навоий шаҳрида ташкил қилинган сайёр қабул жараёнида давр талаби, олдинда турган вазифалар ҳамда мавжуд муаммолар

юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокамаси кўпчилиكنинг қизиқишларига сабаб бўлди. Тадбирда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси Шухрат Деҳқонов, айниқса, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий масалалар борасида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ечимига жиддий тўхталди.

Сайёр қабулда бевосита иштирок этган Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари, туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи Саъдулла Мирзаев сўзга чиқиб, бундан буён ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда бу борада вилоятда олиб борилаётган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Тадбир сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди ҳамда ўзининг самарали меҳнатлари билан касабга уюшмаларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган бир қатор фаоллар Республика кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»



Сайёр қабул



РОССИЯ ВА УКРАИНА ЎРТАСИДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК ШУНДОҚ ҲАМ КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ТУФАЙЛИ МУРАККАБ ДАВРНИ БОШДАН КЕЧИРАЁТГАН ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ ЎСИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЯНАДА ПАСАЙТИРИБ ЮБОРДИ.



«ЎЎНА ҚИТЪА»

ЭНЕРГИЯ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ҚАНДАЙ ЕНГИБ ЎТМОҚЧИ?

Бу айниқса, урушаётган мамлакатлар билан савдо, сармовий ва молиявий жиҳатдан узвий боғлиқ ҳисобланган Европа учун жиддий зарба бўлди. Узро санкциялар қўллаш орқали бир-бирининг «эсини қиритиб қўйиш» чоралари қаторида, масалан, Россия табиий газ экспортини чеклаш орқали Европани олдинда ўта оғир қиш кутаётганидан огоҳлантирмоқда. «Ўўна қитъа» вакиллари эса бундай қийин вазиятдан чиқиш учун муқобил вариантларни ишга солишга уринапти. Ҳатто вазият шунга тақозо қилмоқдаки, айрим давлатлар экологияни асраб-авайлаш дастурлари



ҳам ўйламоқда. «Вақтинча, вазият ўнлангунча», дейишяпти улар бунинг сабабини изоҳлаб. Умуман, мана шу мавзуга оид хабарларга тез-тез кўзимиз тушади. Ҳўш, аслида табиий газ таъминотининг тўхтатилиши Европа мамлакатлари иқтисодига қанчалик таъсир қилади? Улар бу вазиятдан қандай чиқмоқчи? Айни пайтда халқаро майдонда энг долзарб савол ва масалалардан бири шу бўлиб турибди.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг Европа департаменти директори Альфред Каммернинг қайд этишича, таъминотнинг тўлиқ тўхтатилиши газ таъминоти, келгусида нархларнинг янада ошиши ва иқтисодига салбий таъсир кўрсатиши нуктаи назардан ташвишлидир. Лекин бу таъсирни бошқариш ва минималлаштириш учун аниқ бир ҳаракатлар режаси мавжуд эмаслиги ундан-да ташвишланарли. Урганишлар шунини кўрсатмоқдаки, Марказий ва Шарқий Европанинг айрим мамлакатлари – Венгрия, Словакия ва Чехия каби энг кўп зарар кўрган давлатларда газ таъминоти умумий истеъмолнинг 40 фоизгача етиш хавфи мавжуд ва ялпи ички маҳсулот 6 фоизгача камайиши мумкин. Бироқ, бу таъсирни муқобил энергия манбалари ҳисобига, қолверса, инфратузилма муаммоларини ҳал этиш, заиф қатламни ҳимоя қилиш ва энергия тежашини рағбатлантириш орқали юмшатиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2021 йил июнь


ойдан бери Европа инфратузилмаси ва жаҳон бозори Россия газ таъминотининг 60 фоизгача қисқарганига дуч келди. Биринчи шу давридаги нисбатан 9 фоизга камайди. Таъминотнинг 70 фоизгача қисқаришини муқобил етказиб берувчилар ва муқобил энергия манбалари ҳисобидан қоплаш мумкин. Бу импортни бир томонлама рад этиш имкони борлигини ҳам аниқлаётди. Бироқ, етказиб бериш бутунлай тўхтатилса, диверсификация масаласи осон кечмайди. Баъзи мамлакатлар 15-40 фоизгача газ истеъмоли тақчиллигига дуч келади ва Европа Иттифоқи келгуси йилда ялпи ички маҳсулотининг 2,5 фоизини йўқотиши мумкин. Мисол учун, Венгрия ялпи ички маҳсулоти 6,5, Италия, Словакия ва Чехия иқтисодиёти эса 6 фоизга пасайиши тахмин қилинапти.

Аслида Европа қўл қовуштириб ўтирибди, деб ҳам бўлмайди. Яқинда Брюсселда Европа Иттифоқи аъзо давлатлар энергетика вазирлари фавқуллода йиғилиш ўтказди ва шу масалани кўриб чиқди. Унда келажакда қишда газни тежашини назарда тутувчи режа илгари сурилди. Унга кўра, энергетика хавфсизлигини ошириш мақсадида табиий газга бўлган талаб ихтиёрий равишда 15 фоизга камайтирилади. Бу ҳозирча ихтиёрий. Бироқ таъминот тўлиқ тўхтатилганда фавқуллода ҳолат юзага келганда режани амалга ошириш мажбурий бўлиши ҳам мумкин. Шу йилнинг 5 август кунини эса Европа Иттифоқи Кенгаши ушбу режани тасдиқлади. Таъкид-



ланишича, чеклов 2022 йил 1 августдан 2023 йил 31 мартгача амал қилади. Истеъмолни камайтиришдан асосий мақсад, табиийки, қишга тайёргарлик кўриш учун захира яратишдир. Газ етказиб беришнинг қисқариши ва аномал ҳарорат туфайли Европада электр энергияси баҳоси ҳам рекорд даражада кўтарилишда давом этмоқда. Биржаларда бир мегаватт-соат электр 400 евродан ошган. Бу ҳали яқун эмас. Вазият мураккаблиги туфайли тежамкорлик нуктаи назардан мутасаддилар ҳатто аҳолига электр билан ишлайдиган ошхона жиҳозларидан камроқ фойдаланишни маслаҳат беришмоқда. Фақатгина овқатдан захиралини қолмаслик учун музлаткични учирмаслик мумкин. Берлиндаги дуконларда эса аллақачон стикерли маҳсулотлар пайдо бўлгани айтилмоқда. Унда маҳсулот хона ҳароратида сақланиши мумкинлиги, совуқ талаб қилинмаслиги эслатма сифатида қайд этилган. Бу ҳам электр энергиясини тежашнинг ўзига хос усули. Боз устига, озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзи ҳам қимматлашяпти. Масалан, июль ойида Швеция-

да нархлар ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ ошди. Испанияда эса оддийгина муз тақчиллиги кузатишмоқда. Бу ҳам электр энергияси баҳосининг кўтарилиши билан боғлиқ. Яъни сувни музга айлантириш жараёни ишлаб чиқарувчиларга қимматга тушяпти ва бу нархларда ўз аксини топапти. Қисқаси, нотинч вазият барибир барчанинг оддий ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқимиз беҳиз «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади» демайди. Ҳаётда кўп бор ўз исботини топган бу пурмаъно ҳикमत халқаро миқёсдаги ҳозирги мураккаб вазиятда яна бир карра кўзга аққол ташланмоқда. Шу боис биз ҳаммиш дунёда тинчлик бўлишини истаймиз. Шунга интиламиз ва ўзаро қарама-қарши тарафлар доимо мурооса мадорага боришини хоҳлаймиз. Бу ҳамма учун яхши. Дунё учун яхши. Тинчликка етмайди барибир...



Шавкат ОРТИҚОВ,
журналист

Сурдарё вилояти

Фельетон ўрнида

Бугун туман ҳудудида қурилган маҳалла биносининг очилиш маросимининг репортаж тайёрлайман. Маҳалла фаолларининг битта хонага ҳам ёлчимай, нуқул қаровсиз қолган биноларда омонат жойлашиб, «кўча-кўч» билан ўтган кунлари унут бўладиган бўлибди.

«ЛОЙИҲАДА КЎРСАТИЛМАГАН...»

Бино жуда тез қурилади. Тез ҳам қурилмасинми, ахир тараққиёт эсрида яшашимиз-ку?! Тайёргарликка эса гап йўқ! Қира-веришга гиламлар тўшалган. Ҳамма тадбирлару кўргазмаларда намойиш этилавериш, яғни чиққан тикувчилик, тўқувчилик буюмлари, тувакка экилган гуллар...

Деворларига ранг берилган бинонинг тоқига маҳалла номи йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Шу фон ёқди: «чирқ» этиб расмга олиб қўйдим.

Маҳалла расиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика нозир, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчисининг ҳар бирига алоҳида иш хоналари ажратилибди. Маҳалла аҳли учун кутубхона ҳам ташкил этилибди. Шу ерда бир-икитасига китоб varaқлатиб, камерам тугмасини босдим. Аммо ҳамма тўпланган, бетоқат бўлялпимиз, очилиш маросими бошланай демаяди. Бизни бино билан таништириб юрган маҳалла фа-

оли «Раис бова» келишини кутишадётганини айтди. Ие, раис бованинг ўзлари қани, деймиз ажабланиб.

Раис бова шу яқин атрофдаги уйлاردан бирига... борган эканлар. Тушундингиз, шунча хоналар қурилибди-ю, ўша «кичкина» хона унутилибди-да!

Ўзи ҳар доим шундай: нимадир албатта қолдиқда чиқиб келаверади-да... Бино жамоат жойи бўлса, бу ерга келган одам зарурат бўлганда қаерга чопади, деб ўйлайдиган мардум топилмаган...

Хаёл курсин, лента қирқилгани-ю, сўзга чиққанлар суратини олишдан чалғитиб юборди. Маҳалла расисини кўрдик, танишдик, сўхбатини олдик. Ҳалиги масалани сўраб билганимиз шу бўлди: лойиҳада кўрсатилмаган. Шунинг учун шароит яратилмаган. Кўшимчасига, жазирамадан сақлаш учун ҳаво совуткич ўрнатилгану, қаҳратон қишни унуттишган. Исикқилиқ тизими умуман йўқ. Бўш жой йўқлигидан ҳандақ қовлашининг ҳам иложи бўлмапти экан.

Кетар чоғимиз «Раис бова» «тагин ҳалигилар ҳақида ёзиб юрманг, туманимиз шаъни тўқилмасин» дея илтимос қилди. «Шаънингиз ҳар кунини «пана» жой ахтариш билан тўқилса майлими», дегим келди-ю, индамадим...

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Ногиронлик пенсияси олган даврни иш стажига қўшиб ҳисоблашнинг ҳуқуқий асоси мавжуд эмас

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 2 июлдаги сонидан чоп этилган «Касаллиги керак, кексалиги керак эмасми?» номи мақолага Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қўйидагича муносабат билдирди:

«Фуқароларнинг давлат пенсия тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камиди 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Қонуннинг 16-моддасига асосан ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланган вақт ва ногиронлиқнинг қанча муддатга белгиланиши Вазирлар Мақамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

Қонуннинг 17-моддасига асосан меҳнатда майбланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъий назар, тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қўйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёш	Иш стаж
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

Қонуннинг 37-моддаси «а» бандига асосан 2019 йил 1 январга қадар амалда бўлган иш стажига фаолият тури, мулк ва ҳужалик юритиш шаклларида қатъий назар ҳодим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини, 2019 йилнинг 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар ягона ижтимоий тўлов, 2020 йил 1 январдан ижтимоий солиқ тўланган даврлари пенсия ҳисоб-

лашда иш стаж ҳисобида инобатга олиниши белгиланган. Шунингдек, мазкур модданинг 4-қисмига мувофиқ, меҳнатда майбланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлишган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганда стажга қўшиб ҳисобланади.

Вазирлар Мақамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 54-бандига мувофиқ, ногиронлик пенсияси тайинланганда кейинги иш вақти ёшга доир ёки вафот этган ногирон учун боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқиш учун иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Фуқаро Б.Рустамовага Пенсия жамғармаси Самарқанд вилояти, Қўшарбот тумани бўлими томонидан 2021 йил 15 июндан 12 йил 10 ой иш стаж ҳисобидан иш стаж тўлиқсиз чоғидаги ёшга доир пенсия тайинланган.

Президентнинг 2022 йил 29 апрелдаги 128-сонли фармони асосан 2022 йил 1 майдан фуқаронинг пенсия миқдори 500 000 сўмга етказилган. Фуқарога умумий асосларда ногиронлик белгилангани, амалдаги қонун талабларида фақат меҳнатда майбланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлган вақт доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганда ҳисоблаш белгилангани сабабли умумий асосларда ногиронлик пенсиясини олган даврни иш стажига қўшиб ҳисоблашнинг ҳуқуқий асоси мавжуд эмас.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари
З.ТУРСУНОВ

«Ishonch»га жавоб берадилар...

Эълонлар ва билдирувлар

Тошкент давлат Шарқшунослик институти томонидан 2005 йилда Набихонов Авазхон Хамидхонович номига берилган В № 361370 (рўйхат рақами: 5277) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент Молия институти томонидан 2008 йилда Ходжаева Меҳринисо Усмонова номига берилган В № 369879 (рўйхат рақами: 8061) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1993 йил 19 январда Зиямов Кутбидин Зайнутдинович номига берилган №05-01/1467 рақамли уй-жойини шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши жамоаси Кенгашнинг Ижтимоий суғурта бўлими мудри Айдос Турсимура-товга буvisи **КАЛЛИГУЛ** онанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитасининг Шайхонтоҳур тумани бўйича вакили **Аманулла САФАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.



Сурхондарё вилояти

Шеърят кечаси



Фикр ва ҳаяжон шоири

Ўзбек адабиётининг таниқли вакили, шоир ва публицист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Эшқобил Шукр 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида фидойи ижодкорнинг юбилейи Термиз шаҳридаги муҳташам Санъат саройида кенг нишонланди.

Тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ҳамда ОАВ ходимлари, шоирнинг сафдошлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок эттиди.

Тантанادا сўзга чиққан Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов умрини илм ва ижодга бағишлаб келатган Сурхон элининг маърифатпарвар, фидойи фарзанди Эшқобил Шукрни 60 йиллик юбилейи билан муборакбод этди.

Шундан сўнг тадбирда «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Шерзод Ирзоев, таниқли шоирлар Салим Ашур, Шодмонқул Салом, профессор Абдулла Улуғов ва бошқалар сўзга чиқиб, Эшқобил Шукрнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзбек шеърятига муносиб ҳисса қўшгани, шунингдек, шеърят оламида кўплаб шогирдлар тайёрлаб, устоз сифатида ҳам эҳтиромга лойиқлигини алоҳида таъкидлашди.

– Кумқўрғон туманидаги Боймоқли қишлоғида туғилиб вояга етган ижодкорнинг «Юракни ўрганиш», «Бобосўз изидан», «Кўҳна боғ ривоятлари», «Яшил қушлар», «Ҳамал айвони» каби ўнлаб китоблари ўқувчиларга жуда манзур бўлган. Унинг шеърларида қадимий фольклорнинг руҳи, жозибаси акс этиб туради. Яна унинг шеърларида халқ оғзаки ижоди ва замонавий адабиётга хос энг яхши хусусиятлар уйғунлашиб кетади. Шунинг учун унинг шеърятини бугунги шеърятимиздаги ўзгаришлар манзарасини белгилаб беради, – дейди адабиётшунос Абдулла Улуғов.

Чин маънода катта шеърят кечасига айланган тадбирда Сурхондарёдаги таниқли бахшилар, «Бадаш» этнографик ансамбли ва машҳур хонандаларнинг чиқишлари йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Рустам ДАВЛАТОВ, «ISHONCH»

Хоразм вилояти

Сотим Аваз замонамизнинг таниқли ижодкорларидан бири, ажойиб журналист. Мен бу беназир инсон билан 2002 йили танишганман. Ўшанда у киши «Урганч оқшоми» газетасини ташкил қилганига бир йилча бўлган, ушбу нашр қисқа фурсатда ўз ўқувчиларини топиб улгурган эди.

Ўшанда мен иш излардим. Бунинг устига фарзандимиз туғилганига бир ой бўлган. Ишламасам бўлмасди. Шароит шунга қараганда этарди. Шунда Сотимбой оға жонимизга оро кирган.

– Яхши мақолалар ёзсангиз, бас. Ишоннага келишингиз шарт эмас, бемалол уйда ишлайверинг. Шошиличч топшириқ бўлса, қақираман, – деди.

Шу инсоннинг шарофати билан ўлароқ, қора доллар оққа дўна бошлади. Боғчага қатнайдиغان бўлгунча фарзандимизни кунда-кунора қўшниларга қолдириб, бир-икки соат ишга бориб келардим. У пайларда уйда компьютеримиз йўқ эди, мақолани кўлда ёзардим. Ишоннада компьютерга кўчиртиришга бериб, муҳаррирдан янги топшириқ олиб қайтардим. Ўша кезлар «Урганч оқшоми»да Отамурод Пирматов, Ўқтам Давлетов каби забардаст журналистлар ҳам ишлашарди. Уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш мен учун маънавий дарёсидан сув ичишдай ҳузурбахш эди.

Устозларга қойил қолганим – улар кўлэзма қоралашмасди, мақолаларини тўғридан-тўғри «диктовка» қилишар, яъни матн терувчиларга айтиб туриб ёздиришарди. Айниқса, Сотимбой оға «Хоразм ҳақиқати» газетасида бўлим мудири, вилоят ҳокими ёрдамчиси, «Халқ сўзи» газетасининг Хоразмдаги мухбири лавозимларида ишлаб, воҳода етарли обрўга, ўз сўзи ва ўрнига эга журналист ҳамда жамоат арбоби айланганди.

Таҳририятга ҳар кун вилоятнинг кўплаб забардаст ижодкорлари, раҳбарлар, ёш қаламкашлар, ўқитувчилар таширф буюриб, устоз суҳбатини олишар, нималарнидир маслаҳатлашарди. Чунки Сотим Аваз «Хоразм ҳақиқати» газетасида бўлим мудири, вилоят ҳокими ёрдамчиси, «Халқ сўзи» газетасининг Хоразмдаги мухбири лавозимларида ишлаб, воҳода етарли обрўга, ўз сўзи ва ўрнига эга журналист ҳамда жамоат арбоби айланганди.

Устознинг баракали ижод қилишига ҳавасим келарди. Газетанинг ярим иши унинг зиммасида. Бундан ташқари, республика нашрларида тез-тез публицистик мақолалар чиқаради, китоблар тахрир қилади. Шунингдек, Урганч шаҳри тарихи ҳақидаги эссе, «Муруват чоғи» романи устида ишлайди,

шеърлар, ғазаллар, ҳикоялар ёзади.

Мен у киши билан беш йилдан ортиқ бирга ишлаб, бирон марта овозини балан кўтарганини, қаттиқ гапирганини эшитмаганман. Танбехлари ҳам ўзига хос эди. «Тасаввур қилинг, сиз теримчисиз. Лекин вази-фангиз фақат пахта териш бўлиб қолмаслиги керак, ўша пахтани йиғиб, даланинг четига олиб чиқиб, ўлчатиб, ҳисобга олдириш ҳам зарур», деган ўғитлари бизга бир умр сабоқ бўлган.

Бундан-да муҳимроқ сабоқларни устознинг асарларидан олганмиз. Чунки улардаги ҳар бир образ, ҳар бир воқеа ёки деталда

Дарёқалб УСТОЗ

нимадир ўзининг ёрқин ифодасини топган. Масалан, «Ўйин тутилган ўйин» ҳикояси ўқувчини жиддий мушоҳада юритишга чорлайди. Ҳикоя қаҳрамони – машҳур шахматчидан нуфузли мусобақада энди-энди шахмат ўйнашни ўрганаётган ўсмир билан баҳслашишни илтимос қилишади. Устоз шахматчи ўсмирни қўллаб-қувватлаш, сабоқ бериш мақсадида розилик билдиради. Мусобақа бошлангач эса устоздан ютқазиб беришини сўрашади. Боиси, ёш шахматчи «каттакон»нинг фарзанди экан. Бу гапни эшитиб, тажрибали шахматчининг дили ранжийди...

Сотим Авазнинг ҳар бир асариде ижтимоий юк бор ҳамда жамиятда рўй берган нохуш ҳолатлар ва иллатлар батафсил очиб берилган. Бу жиҳатдан, айниқса, «Муруват чоғи», «Мангулик сўзмоғи», «Темурғози тўра» романлари, «Мадраҳим Шерозий», «Йиллар ва йўллар» қиссалари алоҳида ажралиб туради.

Сотим Авазнинг шеърятини ҳам ўзига хос. «Кечиккан баҳор», «Тонги ҳислар», «Хуқуқ», «Нозбўйларим», «Ҳикматистон», «Дил ва манзил» каби шеърий тўпламлари ўқувчилар қалбидан чуқур жой олган. Кўплаб ғазалларига куй басталаниб, мумтоз кўшиқча айлантирилган.

«Кўна қалъа» ҳужжатли асари эса Урганч шаҳрининг яқин ўтмишига, аҳоли турмуш тарзига қизиқувчилар учун муҳим қўлланма

Орамиздаги одамлар



саналади. Уни ўқиган кишининг кўз ўнгига ўтган асрининг иккинчи ярмидаги Урганч ҳаёти бирма-бир гавдаланади.

Яқинда устознинг «Андиша боғи» бадиалар туркумини такроран ўқидим. Унда юзлаб тарихий шахслар, замонамизнинг етуқ инсонлари билан учрашув ва суҳбатлар андиша билан акс эттирилган. Бу асар ҳақиқий одоб дурдонаси сифатида эътирофга лойиқ.

Айни кезларда эса устознинг «Рутба» романини мутолаа қиляпман. Унда инсоният таракқиётига муносиб ҳисса қўшган пири комил Юсуф Ҳамадоний кечмишлари баъдий ифодасини топган. Устоз ҳазрат ҳаёти ва ижодини салкам 30 йил ўрганган. Менинг билганим шуки, мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларида Юсуф Ҳамадонийнинг Шовот туманидаги зиёратгоҳи одоб бўшага айланди. Бунда ўша пайлар вилоят ҳокими ёрдамчиси лавозимида ишлаган Сотимбой Авазовнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Кейинчалик устоз Юсуф Ҳамадонийнинг Марвдаги мақбарасини, Эрондаги ҳазрат дунёга келган Бўзаниқирдани зиёрат қилди ва у ердан Шовотдаги зиёратгоҳга бир сиқим тупроқ олиб келди...

Шу кунларда Хоразмда таниқли публицист, шоир ва адиб Сотим Аваз таваллудининг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда. Чунки, «Хоразм ҳақиқати» газетасида унга бағишланган мақолалар чоп этилди. Урганчдаги «Ёшлик» тўйхонасида таваллуд айёми кенг жамоатчилик вакиллари, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, шоир ва ёзувчилар, адабиёт ихлосмандлари иштирокида нишонланди. Бундай тадбирлар келгусида ҳам давом этади. Негаки, Сотим Аваз ҳаёти ҳар қанча ўрнатқилишга, асарлари ўқишга ва ўрганишга аргизулик серқирра ва сермахсул ижодкорлардан биридир.

Мухаббат Тўрабоева, «ISHONCH»

СЕН ҚАЁҚҚА КЕТАЯСАН, ЗАМОНДОШ?



Сўнгги йилларда шаҳар-қишлоқларимиз янада чирой очиб, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари ва хиёбонлар кўпаймоқда. Улар ҳаво мусаффо, экология ва атроф-муҳит тоза-озода бўлиши, ҳамюртларимиз фаровон турмуш кечирिशлари, маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар мириқиб маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барпо этилмоқда.

Бас, шундай экан, биз бу имкониятлардан ўринли фойдаланяпмизми? Лоақал уларни асраб-авайлаш чораларини кўряпмизми?

Афсуски, бу саволларга баралла «Ҳа!» деб жавоб бериш қийин. Чунки эзгу ниятда бунёд этилган истироҳат боғларининг айримлари орадан 3-4 йил ўтма-ўтмас, абгор аҳолига тушиб қолмоқда. Уларнинг ичкарасига кирсангиз, ўриндиқлари синиб ётганига, баъзиларига турли-туман уятсиз сўзлар ўйиб ёзилганига, махсус идишлар мавжудлигига қарамай, чикиндилар дуч келган жойларга ташлаб кетилганига гувоҳ бўласиз.

Биз яқинда пойтахтимизнинг сўлим гўшаси саналмиш «Экопарк»да бўлдик. Унда спорт ихлосмандлари учун барча шароитлар яратилган, футбол, баскетбол, волейбол майдончалари қурилган.



– 20 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи бўлса-да, баъзан ҳамма жойини бирдек саранжом-сарийшта тутишнинг урдасидан чиқолмапмиз, – дейди навбатчи маъмур Дилафруз Мусоева. – Негаки, шаҳар марказида жойлашгани сабабли богимиздан дам олувчиларнинг оёғи узилмайди. Улар орасида тартиб-интизомчилари ҳам, чиқиндиларни боғ ҳудудига ўрна-тилган махсус идишларга ташламайдиганлари ва ўриндиқларни ўзлари хоҳлаган ерга қўйиб оладиганлари ҳам топилади. Устига-устак, ёшлар спорт инвентарларига нисбатан кўпол муносабатда бўлишади. Бу ҳақда ота-оналарига айтсак, улар фарзандлари ёнини олишади. Ҳатто белгиланган микдордаги жарималарни тўлашдан ҳам бош тортишади.

«Tashkent city» паркида ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кузатиш мумкин. Боғ ҳудудига тамадихоналар кўпайгани туфайли ён-атрофда ҳар хил озиқ-овқат қолдиқларини-ю, бўш сув идишларини кўриш мумкин. Бу ҳашаматли боғ барпо этилган дастлабки йилларда кўриқчилар саёхатчиларни тартибга қақриб, ундаги саранжом-сарийшталикни узлуқсиз сақлаб туриши анча ҳаракат қилишди. Лекин қачонгача одамлар тепасида пойлоқчилик қилиб, «Кўлингиздаги қоғозни ерга ташламанг», «Чимлар устидан юрманг», деб уларни оғоҳлантириш керак. Нахотки, ақл-хуши жойида бўлган инсон керакисиз нарсаларни қаерга қўйишни, ўт-ўланларни босиб, пайҳон қилмаслик кераклигини билмасми?..

Бундан сал олдинроқ Ботаника боғида рўй берган воқеа ҳаммасидан ошиб тушди. Китобхонлики тарғиб этиш мақсадида боғда Artel компанияси томонидан микрокутубхоналар очилганди. Бу ерга ташириб буюрувчилар вақтларини мазмунли ўтказиб, китоб мутолааси билан машғул бўлишаётганди. Улар ўқиган китоблари ўрнига ўқимаганларини олишлари, маънавияти ва дунёқарашларини янада бойитишлари мумкин эди. Таассуфлар бўлсинки, бир тўда безорилар қўтичаларнинг анчасини синдириб, уларнинг ичидеги китобларни ўғирлаб кетишди...

Германия Европанинг ҳавоси энг тоза-беғубор давлатларидан бири саналади. У ердаги кўча-хиёбонларнинг саранжом-сарийшталиги маҳаллий ҳокимиятлар оқилона иш юритишидан, мамлакатда экологик мусаффоликни сақлаш бўйича махсус тартиб-қоидалар ва қонунлар амалиётга таътиқ этилганидан, уларни бузганлик учун махсус жарималар каталоги яратилганидан, жамоатчилик жорий талабларга қатъий риоя қилишидан далолат беради.

Мёнхенгладбах шаҳрида айни турдаги 35 хил тартиббузарлик учун жарималар белгиланган. Масалан, тамаки кукуни ёки керакисиз қоғоз парчаси махсус идишга ташланмаса, 20 евро, кўча чироқлари ўрнатилган устунга ёки ҳайкал устига сабабсиз чиқилса, 14 евро микдорда жарима қўлланилади. Ҳатто кўчаларда ухлаб қолганлар ҳам, итини алоҳида ажратилган майдончаларда сайр қилдиришлар ҳам тегишли тартибда жаримага тортиладилар.

Эхтимол, бизда ҳам шундай тамойилларни жорий этиш фойдалан холи бўлмас. Бу – биринчидан. Иккинчидан, авваллари ҳар қайси маҳалланинг кайвони отахонлари ва онахонлари бўлган. Улар ҳаммани тартиб-интизомга чорлаб турган. Кези келганда,

кимнидир мақтаган, кези келганда, кимгадир дакии берган. Бунинг биринчиси «Сунюччи» бадиий фильми орқали ҳам билиб олиш мумкин. Ҳозир-чи?..

Ҳозир ноҳўя ишга қўл урган болаларни тартибга қақриш камдан-кам ҳолларда кузатилади. Ёши улғун болалару момолар ҳам нохуш хатти-ҳаракатларни кўриб, кўпинча ўзларини кўрмаганга олишади. Аникрофи, «Ота-онаси бор, менга нима?» қабилада иш тутишади. Бу лоқайдлик ва бепарволик доимий одатга айланиб бораётгани эса ўта хавфли ва аянчли иллатдир. Назаримизда, машҳур олим Альберт Эйнштейн худди шуни назарда тутиб, «Айрим кишиларнинг зомиллиги туфайли дунё хавфли эмас, балки шу зомилликларни кўра-била туриб, уни тўхтатмаслик хавфлидир», деган эди.

Зеро, ўтмишда бефарқлик урчиған жамиятлар таназзулга учраган ва келгусида ҳам шундай бўлиши табиий. Масалага шу нуқтага назардан ёндашганда, ёзувчи, шоир ва драматург Бруно Ясенский «Душмандан кўрқма, у нари борса, сени ўлдирishi мумкин. Дўстингдан кўрқма, у қийинчиликда сени сотиши мумкин. Сен лоқайд кишидан кўрқ, у сени ўлдирishi мумкин» деган эди. Лекин, лекин қотиллар ва сотқинларнинг қилмишларига жимгина рози бўлади», деб бежиз айтмаган. Бу билан лоқайд кишилар ўлимини ҳам, сотқинлигини ҳам тўхтата олмайдиган деган фикрни илгартирган. Жамиятда бундай иллатнинг урчиши эса ушбу қабиҳликлар авж олишига кенг йўл очади.

Биз бунга асло унутмаслигимиз, барча соҳаларда, айниқса, ёшлар таълим-тарбиясида зинҳор-базинҳор лоқайдликка берилмаслигимиз керак!

Умида Худойберганава, «ISHONCH»

Мулоҳаза



ISSN 2010-5009 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Масъуль котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъуль котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар: Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, таққидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов Мусаҳҳиҳ: Д. Худойберганава Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 01:00 Топширилди – 01:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Буюртма Г-806 31641 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзиллими: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят хисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130